



## ЯИМ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ҲУДУДИЙ ЯЛПИ ИЧКИ МАХСУЛОТНИ ҲУДУДИЙ АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИГА ТАЪСИРИ

*и.ф.д., проф. Салимов Бахтиёр*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

*ORCID: 0000-0003-4344-4712*

*[btsalimov1948@gmail.com](mailto:btsalimov1948@gmail.com)*

**Бахтиёров Мираббос**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

*ORCID: 0009-0006-7916-2978*

*[mirbaht26@gmail.com](mailto:mirbaht26@gmail.com)*

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон ЯИМнинг таркибини такомиллаштириш масалалари қаралган, ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) асосида ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти, ривожланганлик даражаси кўрсаткичлари қиёсий таҳлил этилган, аҳоли жон бошига ЯҲМни аҳолининг реал даромадларига таъсири ўрганилган. Иқтисодий конверсия назариясига кўра Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, узоқ муддатли оралиқда ривожланган давлатларнинг шу кўрсаткичига яқинлашиши мумкинлиги, 2030 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари асосида таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** ҳудуд, ялпи ички маҳсулот, Ялпи ҳудудий маҳсулот, фаолият турлари, аҳоли жон бошига ЯИМ ва ЯҲМ, аҳоли даромадлари, индекс, конвергенсия, иқтисодий салоҳият, ҳудудларни иқтисодий ривожланганлик даражаси, корреляцион боғлиқлик.

## РОСТ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СТРУКТУРЫ ВВП И ВЛИЯНИЕ ВАЛОВОГО РЕГИОНАЛЬНОГО ПРОДУКТА НА ДОХОДЫ НАСЕЛЕНИЯ РЕГИОНА

*д.э.н., проф. Салимов Бахтиёр*

*Ташкентский государственный экономический университет*

**Бахтиёров Мираббос**

*Ташкентский государственный экономический университет*

**Аннотация.** Рассматриваются вопросы совершенствования структуры ВВП Узбекистана, проводится сравнительный анализ экономического потенциала и уровня экономического развития регионов на основе показателя валового регионального продукта (ВРП), а также изучается влияние ВРП на душу населения на реальные доходы населения региона. На базе теории экономической конвергенции анализируется процесс сближения ВВП на душу населения Узбекистана с душевым ВВП развитых стран в долгосрочном периоде на основе прогнозных расчетов до 2030 года.

**Ключевые слова:** регион, валовой внутренний продукт на душу населения, валовой региональный продукт, доходы населения, индекс, экономический потенциал, экономическое развитие, корреляционная связь, конвергенция.

## GROWTH AND IMPROVEMENT OF GDP STRUCTURE AND IMPACT OF GROSS REGIONAL PRODUCT ON THE INCOME OF THE REGION'S POPULATION

*DSc, prof. Salimov Bakhtiyor*  
*Tashkent State University of Economics*  
**Bakhtiyorov Mirabbos**  
*Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** *The article examines issues related to improving the structure of GDP in Uzbekistan. A comparative analysis of the economic potential and the level of economic development of regions is conducted based on the gross regional product (GRP). The study also analyzes the impact of GRP per capita on the real incomes of the regional population. Based on the theory of economic convergence, the process of convergence of Uzbekistan's GDP per capita with the per capita GDP of developed countries in the long term is analyzed using forecast calculations up to 2030.*

**Keywords:** *region, GDP per capita, gross regional product, population income, index, economic potential, economic development, correlation relationship, convergence.*

### **Кириш.**

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) давлатларнинг иқтисодий салоҳиятини, иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодалайди ва у мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархидаги миқдорий қийматга тенг. ЯИМ аҳолининг турмуш даражасини ифодаловчи агрегат кўрсаткич ҳисобланади. ЯИМни фаолият турлари бўйича қараганда, у саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва хизматларга бўлинади.

ЯИМнинг тармоқлар таркибини ўрганганимизда ва уларни ривожланган давлатларнинг ЯИМ таркиби билан қиёслаб таҳлил қилганда, тармоқлар қандай ҳолатда, улар ўртасидаги нисбат қандай эканлигидан далолат беради ва қайси фаолият турлари яхши ривожланмоқда, қайсиларини ривожлантириш зарурлигини аниқлаш мумкин.

Республика Президенти Ш.Мирзиёев 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 240 миллиард доллардан ошириш учун энг тўғри йўл – барча соҳаларни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказишдир ва бу келгуси йилларда иқтисодий тараққиёт стратегиямизнинг асосий йўналиши бўлади”, – деб таъкидлаб ўтди. Шу нуқтаи назардан қараганимизда, ривожланган хорижий давлатлар ЯИМ таркиби таҳлили мамлақатимизда келажакда иқтисодиётимиз таркибини такомиллаштириш бўйича устувор соҳаларни аниқлаш ва уларни ривожлантириш учун бошланғич иқтисодий ахборот бўлиб хизмат қилади.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ва аҳолижон бошига ЯҲМ кўрсаткичларини ҳудудлар кесимида урганиш, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини аниқлаш имконини беради. Ҳудудларнинг ривожланганлик даражаси ҳудудий аҳолининг даромадларига таъсирини урганиш, ҳудудлар бўйича аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий конвергенция назариясига кўра, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот паст бўлган камбағал ва ривожланаётган давлатлар, ривожланган давлатларга нисбатан юқори иқтисодий ўсишга эга бўлади ва келажакда бу кўрсаткич ривожланган давлатлар кўрсаткичига яқинлашиб боради. Бу масала Жаҳон банки маълумотлари асосида мақлада қаралган ва конвергенция омллари таҳлил этилган.

### Адабиётлар шарҳи.

Ўзбекистоннинг ЯИМ унинг фаолият турлари бўйича таркиби, аҳоли жон бошига миқдори ривожланган давлатларнинг, хусусан Германия, Франция, Россия федерацияси, Хитой халқ республикаси ва Жанубий Корея давлатларининг ушбу кўрсаткичлари бўйича 2000-2018 йиллар оралиғида таққослама таҳлил этилган ва уларнинг ўзгариш таҳлили этилган ва Ўзбекистон ЯИМ таркибини саноатини ривожлантириш орқали такомиллаштириш масалалари ўрганилган (Салимов, Салимов, Ходжибаева, 2020). Худудларни иқтисодий ва инновацион салоҳиятлар қиёсий ўрганилган ва улар интеграл индекс асосида баҳоланган, худудларнинг иқтисодий ва инновацион ривожланганлик даражасига кўра кичик бизнес корхоналарини инновацион ривожлантириш мантиқан тўғри эканлиги асосланган. Давлатлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизлик унинг омиллари ва Солоднинг иқтисодий ўсиш модели бўйича давлатлардаги аҳоли даромадларни бир-бирига яқинлашув самараси 1992-2022 йиллар оралиғида аниқлашга ҳаракат қилинган ва бу яқинлашув баъзи йилларда жуда секин, баъзи йилларда жуда тез бўлганлиги таъкидланган. Дивергенция ва инвергенция сабаблари сифатида бизнесда инновацияларни, янги технологияларда фойдаланишни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш давлатларда ҳар хил бўлганлик кўрсатиб ўтилган (Майхрович, 2023). Ривожланган давлатларнинг маркази иқтисодий кўрсаткичлари, иқтисодий ривожланиши ЯИМ маҳсулотни ўсиши, фаолият турлари бўйича таркиби изоҳланган<sup>1</sup>. Имитацион инновацияларни мазмуни, унинг устун томонларини кўрсатиб ўтилган, имитацион инновациялар ривожланган давлатларда фойдаланишда бўлган янги истиқболли технологияларни танлаш, сотиб олиш, уларни янгилаш бўйича корхоналар ўзининг тадқиқот ишларини олиб бориши, яъни иккиламчи инновацион босқичини амалга ошириш масалари ёритилган (Сюй Хуэйчжуин, 2012).

### Тадқиқот методологияси.

Худудларни ривожланганлик даражасини баҳолашда ва аҳоли даромадларни худудлар кесимида таҳлил қилишда таққослама таҳлид, монографик кузатив, эмперик таҳлил, статистик ва индекс усулларидан фойдаланилди.

### Таҳлил натижалар муҳокамаси.

Ривожланган давлатларнинг ва Ўзбекистон Республикасининг 2024 йилдаги ЯИМ ва унинг фаолият турлари таркиби қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

#### 2024 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ таркиби (фоизда)

	ЯИМ (млрд. долл.)	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Қурилиш	Хизматлар
Германия	4659,93	30,7	0,7	-	68,6
Франция	3160,00	17,55	1,43	3,02	78,0
ХХР	18400,00	35,36	6,70	-	57,7
Ўзбекистон Республикаси	115,00	26,40	19,20	7,00	47,4

**Манба:** [https://ru.wikipedia.org/wiki/экономика\\_Германии](https://ru.wikipedia.org/wiki/экономика_Германии), [https://en.wikipedia.org/wiki/Economy\\_of\\_France](https://en.wikipedia.org/wiki/Economy_of_France), [https://ru.wikipedia.org/wiki/экономика\\_КНР](https://ru.wikipedia.org/wiki/экономика_КНР)

Германияда саноат ва хизматлар соҳалари яхши ривожланган. Бу соҳалар улушларининг йиғиндиси ЯИМнинг 99,3 фоизини ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигининг улуши 0,7 фоизга тенг. Франциянинг шу кўрсаткичи  $17,55+78,0=95,55$

<sup>1</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/экономика\\_Германии](https://ru.wikipedia.org/wiki/экономика_Германии), [https://en.wikipedia.org/wiki/Economy\\_of\\_France](https://en.wikipedia.org/wiki/Economy_of_France), [https://ru.wikipedia.org/wiki/экономика\\_КНР](https://ru.wikipedia.org/wiki/экономика_КНР)

фоизни ташкил қилади. Франция давлати ҳам саноатга ва хизматлар соҳасига катта эътибор қаратганини кўрамиз. Францияда хизматлар соҳасига туризм, банк хизмати, кўчмас мулк, ахборот технологиялари ва давлат хизмати киради. Хитой Халқ Республикасида бу кўрсаткич 93,06 фоизга тенг бўлиб, бу давлатда ҳам саноат ва хизматлар соҳаси яхши ривожланган. Ўзбекистонда бу кўрсаткич  $26,40+47,40=73,80$  фоизни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигининг улуши Германияда 0,7 %, Францияда 1,43 %, Хитойда 6,7 %ни ташкил қилади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич юқори бўлиб, у 19,2 фоизга тенг. Таҳлилдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, келажакда саноатни ва хизматлар соҳасини ривожлантиришга асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Бу дегани қишлоқ хўжалигига эътибор бериш керак эмас дегани эмас.

Мурожаатномада ҳам шу соҳаларнинг ривожланишига катта эътибор қаратилган. Саноат соҳасида электроника ва электротехникани, биокимё ва полимерлар, фармацевтика, машинасозлик каби юқори қўшилган қиймат яратадиган соҳаларни ривожлантириш, биринчидан, ЯИМнинг ўсишига катта ҳисса қўшади, иккинчидан, корхоналарнинг фойдасини оширади, юқори даромадли иш ўринларини яратишга олиб келади ва давлат бюджетига тушумни оширади.

Маълумки, қўшилган қийматнинг ўзи, асосан, иш ҳақи, амортизация, айрим солиқ турлари ва фойдадан иборат. Хизматлар соҳасида ахборот технологияларини, сунъий интеллект, консалтинг, транспорт-логистика, туризм ва давлат хизматларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Давлат хизматларини ривожлантириш аҳоли ва бизнес муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

## 2-жадвал

## Худудларнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

№	Худудлар	Доимий аҳоли сони (минг киши) <sup>2</sup>	ЯИМда худудлар улуши, %да	Худудлар кесимида ЯҲМ (млрд. сўм)	Аҳоли жон бошига ЯҲМ (минг сўм)	Республика аҳоли жон бошига нисбатан худудлар индекси
1.	Қорақалпоғистон Респ.	2029,7	3,1	45658,5	22645,8	0,58
2.	Андижон	3461,0	6,2	90522,1	26409,0	0,68
3.	Бухоро	2077,0	4,9	71560,4	34729,6	0,90
4.	Жиззах	1537,6	3,0	43057,9	28281,0	0,73
5.	Қашқадарё	3639,3	5,5	80658,3	22405,1	0,58
6.	Навоий	1094,7	8,1	117297,8	108108,6	2,79
7.	Наманган	3131,7	4,7	68915,7	22238,7	0,57
8.	Самарқанд	4297,5	6,9	99866,1	23481,3	0,61
9.	Сурхондарё	2945,5	3,7	54354,1	18670,0	0,48
10.	Сирдарё	930,8	1,9	28003,3	30359,2	0,78
11.	Тошкент	3108,5	10,1	146385,2	47526,1	1,23
12.	Фарғона	4144,7	6,3	91333,0	22259,5	0,57
13.	Хоразм	2032,4	3,5	51261,0	25452,4	0,66
14.	Тошкент шаҳри	3112,8	19,3	281147,4	91376,6	2,36
15.	Ўзбекистон Республикаси ЯИМ	37543,2	100	1454573,9	38744,0	1,0

**Манба:** Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. (2024) январь-декабрь.

<sup>2</sup> Доимий аҳоли сони 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига 37543,2 минг кишига етган. Доимий аҳолининг йиллик ўсиши 2025 йил 1 январь ҳолатига ўсиш 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 2,0 фоизни ташкил этган. 51,0 фоизини шаҳар аҳолиси, 49,0 фоизини қишлоқ жойлар аҳолиси ташкил этган, урбанизация – 51 %.

Қишлоқ хўжалигида илғор агротехника ва сув тежайдиган усуллардан фойдаланиш ва унумдорликни оширадиган биоинженериядан фойдаланиш, қурилишда хусусий секторга кенг йўл очиш, замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш, иқтисодиётнинг технологик ва инновацион ривожланишини таъминлаш учун инновацияларга асосланган замонавий касбларга кадрларни тайёрлашга эътиборни кучайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳам ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини, иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодалайди. Аҳоли жон бошига олиб қараганимизда, бу кўрсаткич аҳолининг турмуш даражасини белгилайди ва аҳолининг даромадига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига ЯҲМни қараганимизда (2-жадвал), энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрига (91376,6 минг сўм) тўғри келади, бу ўртача республика кўрсаткичидан (38744,0 минг сўм), индексдан 2,36 баробарга кўп. Тошкент шаҳри аҳолисининг аҳоли жон бошига реал даромади ҳам юқори бўлиб, у 54442, 4 минг сўмни ташкил қилади. Бу кўрсаткич республика бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромаддан (21991,9 минг сўм), яъни индексдан 2,48 баробарга кўп (3-жадвал).

## 3-жадвал

## Ҳудудлар кесимида саноат маҳсулоти ва аҳоли даромадлари

№	Ҳудудлар	Саноат маҳсулоти, млрд. сўм	Жами саноат маҳсулотида ҳудудлар улуши, %да	Аҳоли жон бошига ўртача 2024 йилда ҳудудлар кесимида аҳолининг реал умумий даромадлари, минг сўм	Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг республика кўрсаткичига нисбатан индекси
1.	Қорақалпоғистон Респ.	24598,3	2,9	15402,4	0,70
2.	Андижон	90627,9	10,2	20158,4	0,92
3.	Бухоро	42317,3	4,8	24858,1	1,13
4.	Жиззах	25812,4	2,9	17737,6	0,81
5.	Қашқадарё	39488,1	4,8	16893,9	0,77
6.	Навоий	145069,6	16,6	35107,2	1,60
7.	Наманган	31958,9	3,8	15370,3	0,70
8.	Самарқанд	46213,8	5,4	17593,3	0,80
9.	Сурхондарё	14888,7	1,8	16236,8	0,74
10.	Сирдарё	19893,4	2,4	17574,3	0,80
11.	Тошкент	139124,8	15,8	22952,1	1,04
12.	Фарғона	48070,7	5,6	17517,1	0,80
13.	Хоразм	29100,1	3,5	21464,0	0,98
14.	Тошкент шаҳри	170760,0	19,4	54442,4	2,48
15.	Ўзбекистон Республикаси ЯИМ	885800,0	100,0	21991,9	1,00

**Манба:** Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. (2024) январь-декабрь.

Навоий вилоятида аҳоли жон бошига ЯҲМ миқдори 108108,6 минг сўм бўлиб, у республиканинг шу кўрсаткичидан 2,79 баробарга кўп. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад 35107,2 минг сўм, республика кўрсаткичидан (21991,9 минг сўм) 1,6 баробарга кўп. Худди шундай ҳолатни Тошкент вилоятида кўришимиз мумкин. Аҳоли жон бошига ЯҲМ миқдори республика кўрсаткичидан 1,23 баробарга кўп. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса республиканинг шу кўрсаткичидан 1,04 баробарга кўп. Бухоро вилоятида зардўзи кийимлардан ва уй хўжалигидан олинadиган даромадлар юқори бўлгани учун даромад юқори.

Аҳоли жон бошига ЯХМ кўрсаткич миқдори Сурхондарё вилоятида энг паст бўлиб, 18670,0 минг сўмга тенг. Бу республиканинг шунга ўхшаш кўрсаткичининг (индексининг) 0,48 қисмини ташкил қилади, яъни 48 фоизга тенг. Аҳоли жон бошига реал даромад эса 16236,8 минг сўмга тенг бўлиб, у республиканинг шу кўрсаткичининг 74 фоизини ташкил қилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯХМ миқдори билан аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори ўртасида корреляцион боғлиқлик бор. Буни 2 ва 3-жадвалларда кўриш мумкин. Деярли барча ҳудудларда аҳоли жон бошига ЯХМ индекси республика индексидан юқори бўлса – даромад индекси ҳам юқори, паст бўлса – паст.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯХМни ҳудудлар кесимида қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич ҳудудлар бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади. Масалан, Навоий вилоятининг бу кўрсаткичи Наманган ва Фарғона ҳудудларининг шу кўрсаткичидан 4,9 баробарга, Хоразмга қараганда 4,2 баробарга, Сурхондарё ҳудудига нисбатан 5,8 баробарга юқори. Худди шундай Тошкент вилоятининг ушбу кўрсаткичи Наманган вилоятиникидан 2,1 баробарга, Хоразм вилоятиникидан 1,9 баробарга, Сурхондарё вилоятиникидан 2,5 баробарга, Фарғона ва Қорақалпоғистон Республикасиникидан 2,1 баробарга кўп. Фарқларни бошқа вилоятларга қиёслаганда ҳам кўришимиз мумкин.

Аҳолини юқори даромад билан таъминлашда ҳудудлар кесимида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотни ҳам муҳим ўрин тутди. Ҳудудларнинг жами саноат маҳсулотигаги улуши 3-жадвалда келтирилган. Тошкент шаҳрининг улуши – 19,4 фоиз, Навоий вилоятиники – 16,6 фоиз, Тошкент вилоятиники – 15,8 фоиз. Бу ҳудудларда саноат яхши ривожлангани учун уларда яшайдиган аҳолининг даромадлари ҳам юқори. Аҳоли жон бошига даромад Тошкент шаҳрида республиканинг шу кўрсаткичидан 2,48 баробар, Навоий вилоятида 1,6 баробар ва Тошкент вилоятида 1,04 баробар кўп.

Бухородан ташқари қолган вилоятларда, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бу кўрсаткич 1 дан кичик. Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш Сурхондарё вилоятида (1,8%), Сирдарё (2,4%) ва Жиззах вилоятида (2,9%) жуда паст. Шунга мувофиқ аҳоли жон бошига даромадлар ҳам паст, мос ҳолда Сурхондарё вилоятида аҳоли жон бошига даромад ўртача республиканинг шу кўрсаткичининг 74 фоизини, Сирдарёда 80% ва Жиззах вилоятида 81%ни ташкил қилади.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадларни ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, бу кўрсаткич ҳам ҳудудлар кесимида бир-биридан фарқ қилади. Навоий вилоятининг бу кўрсаткичи Наманган ҳудудининг шу кўрсаткичидан 2,3 баробарга, Сурхондарё вилоятиникидан 2,2 баробарга, Қорақалпоғистон Республикасиникидан 2,3 баробарга ва Фарғона вилоятиникидан 2,0 баробарга кўп. Бу жуда катта фарқ. Ўзбекистонда аҳолининг кўчишга мойил эмаслигини эътиборга олсак ва мақсадли иқтисодий чора-тадбирлар амалга оширилмаса, бу фарқ узоқ сақланиб қолиши ва аҳолининг фаровонлиги пасайиши мумкин. Бу муаммони ҳал этишда ривожланиши паст бўлган ҳудудларда (Сурхондарё, Наманган, Хоразм ва бошқа ҳудудлар) кичик бизнес, оилавий бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг маълум қисми ишчи кучи етишмайдиган, ривожланиши юқори бўлган ҳудудларга кўчишини рағбатлантириш муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

Яна бир муҳим масала бу иқтисодий **конвергенция** назариясига кўра, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот паст бўлган камбағал ва ривожланаётган давлатлар, ривожланган давлатларга нисбатан юқори иқтисодий ўсишга эга бўлади ва келажакда бу кўрсаткич ривожланган давлатлар кўрсаткичига, узоқ муддатли оралиқда яқинлашиб боради ва тенглашиши ҳам мумкин (Майхрович, 2023). Жаҳон банки маълумотларига кўра<sup>3</sup>, 2020-2024 йилларда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг

<sup>3</sup> data.walhbank.org

ўсиш суръати 7-жадвалда келтирилган. Германияда бу ўсиш 1,20, Жанубий Кореяда 1,10, Хитой Халқ Республикасида 1,25, Ўзбекистонда 1,60, Қозоғистонда 1,61 баробар бўлган. Бундай ҳолатнинг асосий сабаблари сифатида ривожланган давлатларда янги технология ва инновацияларни яратишнинг мураккаблашуви, ҳамда булар жуда катта интеллектуал салоҳиятдан фойдаланиш ва катта харажатнинг талаб қилиниши деб қаралади. Камбағал ва Ривожланаётган давлатлар ривожланган давлатларнинг илғор технология ва замонавий ускуналарни сотиб олиш имкониятидан қанча унумли фойдаланса, яқинлашув ҳам шунча тезлашади.

## 4-жадвал

## Аҳоли жон бошига ЯИМ, ўсиш суръатлари

Давлатлар	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2024/2020 йилга нисбатан, усиш,%да
Германия	47394,9	52349,2	50506,5	54776,8	56103,7	118,4
Франция	39169,9	43725,1	40988,6	44700,1	46103,1	117,7
Япония	40028,7	40094,6	34065,6	33836,2	32487,1	81,2
Хитой Халқ Республикаси	10627,5	12887,4	12970,6	12951,2	13303,1	125,2
Ўзбекистон	1978,3	2258,5	2578,7	2879,0	3161,7	159,8
Жанубий Корея Республикаси	33645,8	37518,5	34822,4	35674,1	36238,6	107,7

**Манба:** Рейтинг 20 кўрайдиган мамлакатларнинг ВВП в 2024 йилда. (2024)

Бу ерда асосий эътибор бериладиган чора-тадбирлага қуйидагилардан иборат: иқтисодийга хорижий инвестицияларни ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш, айниқса устувор, юқори технологик соҳаларда ишлаб, нафақага чиққан мутахассисларни имтиёзлар орқали жалб этиш; имитацион инновациялардан кенг фойдаланиш (Имитацион инновацияда бозорбоп янги технологияни танлаб сотиб олади ва ундан кейин уни янгилаш бўйича корхона ўзининг тадқиқот ишларини олиб боради ва бу тадқиқот риск ва хатоликлардан холи бўлади. Имитацион инновация катта маблағ талаб қилмайди, маҳсулотнинг таннархини пасайтиради ва бу, ўз навбатида, маҳсулотнинг бозор талабига тез мослашувига, истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришга олиб келади. Корхоналар имитацион инновация орқали ўзининг мустақил инновациясига эришиши мумкин. Бунга мисол сифатида Япония, ХХР ва Жанубий Корея давлатларини келтириш мумкин. Улар АҚШ ва Европа давлатларининг илғор технологияларини сотиб олиб, инновацион жараёнларни шу илғор технологияни такомиллаштириш ғоясидан бошлаб то янги такомиллашган технология ва маҳсулот ишлаб чиқариб, уни тижоратлаштиришгача бўлган жараёнларни амалга ошириб, ўзининг рақобатбардош маҳсулотини яратган); қўшма корхона қуриш ва ҳокозо. Конвергенциядан унумли фойдаланиш мамлакатимизни иқтисодий ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишини тезлаштиради.

Аҳоли жон бошига ЯИМ ўсиш суръатлари 4-жадвалда келтирилган. Бу кўрсаткичнинг 2024 йилда 2020 йилга нисбатан ўсишини кўрадиган бўлсак, Германияда 118,4 фоизга, Францияда 117,7, Японияда 88,8, Хитой Халқ Республикасида 125,2 ва Жанубий Кореяда 107,7 фоизга ўсган. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 159,8 фоиз бўлиб, юқорида келтирилган давлатларникидан анча юқори. 2030 йилга прогноз кўрсаткичлари билан таққослаганда ҳам 2030 йилда 2024 йилга нисбатан аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш суръати бошқа ривожланган давлатларникига қараганда Ўзбекистонда юқори, у 125,2 фоизга тенг. Германияда бу кўрсаткич 118,5 фоиз, Францияда 117,7, Японияда 88,8 фоизни ташкил қилган.

Бу маълумотлар Ўзбекистоннинг, конвергенция назариясига кўра ривожланган давлатлар қаторидан келажакда ўрин олишини асослайди. Европа Иттифоқида

Германиянинг иқтисоди етакчи ҳисобланади, ундан кейин турадиган давлат Франция давлати ҳисобланади.

### Хулоса ва таклифлар.

Аҳоли жон бошига ЯИМ давлатларнинг иқтисодий салоҳиятини, ривожланганлик даражасини ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ифодалайди. ЯИМнинг таркиби ривожланган давлатлар ЯИМ таркиби билан қиёслаб таҳлил этилганда, Ўзбекистонда ЯИМ таркибини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш мумкин. Ўзбекистонда саноатнинг юқори қўшилган қиймат ва юқори даромадли тармоқларини ривожлантириш ва хизматлар соҳасини ривожлантириш асосий йўналиш деб қараш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда илғор агротехника ва сув тежайдиган усуллардан кенг фойдаланишга эътиборни қаратиш зарур.

Худудлар кесимида ЯҲМни аҳоли жон бошига таҳлил қилиш худудларнинг ривожланганлик даражаси бўйича тизимлаштириш имконини беради ва бу кўрсаткичларда худудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар билан корреляцион боғлиқлик борлигини кўради. Тошкент шаҳри, Навоий ва Тошкент вилоятларида аҳоли жон бошига ЯҲМ бошқа худудларга қараганда юқори бўлган учун бу худудларда аҳоли жон бошига даромадлар ҳам юқори.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯҲМ Сурхондарё, Наманган ва Хоразм вилоятларида паст бўлгани учун шу худудларда аҳоли жон бошига даромад ҳам паст. Бу вилоятларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали ва аҳолининг маълум бир қисми ишчилар етишмайдиган ривожланаётган худудларга кўчишини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон аҳоли жон бошига ЯИМ бўйича ривожланган давлатлар қаторига чиқиши мумкинлигини Жаҳон банки маълумотлари асосида амалга оширилган прогноз кўрсаткичларида кўриш мумкин.

иқтисодиётга хорижий инвестицияларни ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш, айниқса устувор, юқори технологик соҳаларда ишлаб, нафақага чиққан, ишлаш қобилиятини юқотмаган, мутахассисларни имтиёзлар орқали жалб этиш (ХХР тажрибаси); имитацион инновациялардан кенг фойдаланиш.

### Адабиётлар / Литература / Reference:

Майхрович М. (2023) Экономическая конвергенция стран мира в 1992–2022 гг. // Современная мировая экономика. Том 1. № 4(4).

Рейтинг 20 крупнейших стран по ВВП в 2024 году. (2024) [https://ee.org.ua/ru/prog\\_info/68031](https://ee.org.ua/ru/prog_info/68031).

Салимов Б.Т., Салимов Ш.Б. (2023) Худудларнинг иқтисодий ва илмий салоҳиятига кўра кичик ва ўрта бизнес корхоналарини инновацион ривожлантириш. – Т.: “Инновацион ривожланиш” нашриёт-матбаа уйи, -181 б.

Салимов Б.Т., Салимов Ш.Б., Ходжибаева И.В. (2020) Саноатни ривожланиши ЯИМ таркибини такомиллаштириш омили. // “Иқтисодиётда инновацион ривожланиш” журналы, 4-сон, –Тошкент, 25-31 б.

Сюй Хуэйчжун. (2012) Анализ преимущества имитационной инноватсии. // Гуманитарные и социальные науки, №7

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. (2024) январь-декабрь.